

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқукида

РАХМОНОВ МУФТОҲИДДИН МУҲАММАДМУЙДИНОВИЧ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

5A38011- суд тизими; прокурор назорати; адвокатура ихтисослиги
бўйича ҳуқуқ магистри илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

**Илмий рахбар:
юридик фанлари номзоди
САҲАДДИНОВ С. М.**

ТОШКЕНТ- 2007

М У Н Д А Р И Ж А

Режа

Кириш.

1 Боб. Адлия вазирлиги-ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи сифатида.

- 1.1. Адлия вазирлиги ташкил этилишининг тарихий аҳамияти.
- 1.2. Адлия вазирлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти.

2 Боб. Адлия вазирлигининг ташкилий тузилмаси, таркиби ва ваколатлари. Адлия вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари.

- 2.1. Адлия вазирлигининг ташкилий тузулмаси.
- 2.2. Адлия вазирлигининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.
- 2.3. Адлия вазирлигининг вазифалари ва функциялари.
- 2.4. Халқаро-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда Адлия органларининг роли.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

1.1. Адлия вазирлиги ташкил этилишининг тарихий аҳамияти

Мамлакатимиз тарихи жуда узоқ бўлгани каби, адлия тушунчаси ҳам юртимизда жуда қадим даврлардан буён мавжудлиги ва адлия идораси сифатида фаолият юритиб келаётганлиги тарихий манбалардан бизга аён. Хусусан, XIV асрдаёқ буюк бобоколонимиз Амир Темур ўз давлатчилигида ҳеч бир давлатда бўмаган лавозим - “Адолат амири”¹ лавозимини таъсис этганлиги фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон Халқ Адлия комиссарлиги 1924 йил 26 ноябр куни автоном Туркистон Республикаси Халқ Адлия комиссарлиги негизида, Революцион қўмитанинг қарорига асосан ташкил қилинган. Унинг асосий мақсад ва вазифаларидан бири, Ўзбекистон ҳудудига кирувчи собиқ Бухоро Амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонликларининг ҳудудида адлия идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ягона тизимга бирлаштиришдан иборат бўлган.

Ўзбекистон Марказий ижроия қўмитаси Президиуми кенгашининг 1925 йил 6 май кунги қарори билан адлия идораларининг тузулмаси ва ваколатларини белигилаб берувчи Адлия халқ комиссариати низоми тасдиқланди. Ушбу Низомнинг 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Совет Социалистик Адлия халқ комиссариати зиммасига:

- барча суд идоралари, прокуратура, тергов органлари, нотариат ва суд ижрочилари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш, улар фаолиятини бошқаришга оид кўрсатмалар бериш ва йўналишларини мувофиқлаштириб бориш;
- суд органлари ходимларини лавозимларга тайинлашни тасдиқлаш,
- судловлик функциялари юклатилган ер комиссиялари ва бошқа муассасаларининг фаолиятини кузатиш;
- ҳимоячилар коллегияси ва фуқароларга юридик хизмат кўрсатиш ташкилотларининг фаолиятини кузатиш;
- бир томондан адлия идоралари ва иккинчи томондан бошқа вакиллик органларининг ваколатларини чеклаш юзасидан ўзаро келишмовчиликларни кўриб чиқиш;
- Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Марказий ижроия қўмитаси ва Халқ комиссариати кенгаши муҳокамасига киритилиши мўлжалланган барча қонунчилик ҳужжатларига таклифларни кўриб чиқиш;
- қонунийликни таъминлашни назорат қилиш;
- қабул қилинган ва амалдаги қонун ҳужжатларига ҳуқуқий тушунтириш бериш каби вазифалар, функциялар ва ҳуқуқлар юклатилган.

¹ Ҳ. Бобоев, З. Ғофуров. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти, 250 бет.

Адлия халқ комиссарлиги 3та асосий бўлимдан ташкил топган:

- Судларни ташкиллаштириш ва назорат
- Прокуратура
- Қонунларга таклифлар киритиш бўлимларидан иборат бўлган.

Адлия халқ комиссари бир вақтнинг ўзида Республиканинг Давлат Прокурори ҳам ҳисобланган, қайсики, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Халқ комиссарияти кенгашишининг таклифига асосан Марказий ижроия қўмитаси томонидан тайинланади.

Суд ва прокуратура органларига раҳбарлик қилиш фаолияти билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларни кўриб чиқиш мақсадида, Адлия халқ комиссарлиги қошида Коллегия ташкил қилиниб, унинг таркибига қуйидагилар кирган:

- Халқ Адлия комиссари;
- Икки нафар ўринбосарлари;
- Адлия халқ комиссарлигининг бўлим бошлиқлари;
- Республика Олий суди раиси Коллегия аъзолари ҳисобланган.

1926 йил 22 декабрь куни Адлия халқ комиссарлигининг Низомига айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 1931 йил 11 октябрда унинг янги таҳрирдаги низоми қабул қилинди. Кейинчалик ушбу низомга ҳам суд-прокуратура органларининг тизими ва функцияларининг ўзгартирилиши муносабати билан бир қанча ўзгартиришлар киритилишига сабаб ўлган.

Прокурор назорати Адлия халқ комиссарлигининг Прокуратура бўлими томонидан Республика прокурори бошчилигида, республика Олий судидаги прокурор ёрдамчиси, вилоят прокурорлари ва вилоят судларидаги прокурор ёрдамлари орқали амалга оширилган. 1925 йил 6 май кунида қабул қилинган Адлия халқ комиссарлиги тўғрисидаги Низомнинг 8-моддасига кўра Адлия халқ комиссарлигининг Прокуратура бўлими барча давлат бошқарув идоралари, хўжалик ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва жисмоний шахсларнинг фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириб, айбланувчиларга нисбатан жиноий таъқиб қилиш кўзғатилган, шунингдек маҳаллий ижроия қўмитаси кенгашларининг, халқ комиссарликлари ва Республика марказий муассасаларининг ноқонуний қарорларига протестлар киритилган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлигининг Прокуратура бўлимига, тергов ва суриштирув органларининг жиноятларни очиш ҳаракатларини бевосита назорат қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш муассасалари фаолиятини кузатиш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий суди ва унинг Коллегиеси

томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини кўриш жараёнида амалдаги қонунчиликка риоя қилинишини назорат қилиш, шунингдек Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Марказий ижроия қўмитаси Президиуми кенгаши муҳокамасига жазо сиёсатини амалда тўғри қўлланилиши билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий суди Пленуми томонидан қабул қилинган қарорларидан Республика Прокурори норозилиги юзага келганлигини инобатга олиб, Пленумнинг охириги йиғилишларидан бирида Ўзбекистон Олий суди Прокурори лавозими тасдиқланди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Марказий ижроия қўмитаси кенгаши томонидан 1928 йил 27 октябр куни қабул қилинган “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси суд органларига умумий раҳбарликни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлиги тизимига муҳим ўзгартиришлар киритилди. Хусусан ушбу қарорда қуйидагилар кўрсатилган эди: “Ягона суд сиёсатини амалга ошириш ва суд органларига раҳбарлик қилишда бирликка эришиш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлигини шундай қайта ташкил этиш лозимки, фаолиятининг барча соҳаларида, айнан суд ва прокуратура соҳаларига раҳбарлик қилишда бирликка эришиш таъминланиши шарт”.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлиги қошидаги суд ва прокуратура органларига раҳбарлик қилишда бирликка эришиш мақсадида 2 та ўринбосарлар лавозими тасдиқланиб, улардан бири прокуратура соҳаси бўйича бир вақтнинг ўзида (Республика прокурори), иккинчиси суд соҳаси бўйича бир вақтнинг ўзида (Олий суд раиси) лавозимлари тасдиқланди.

Суд органларига раҳбарлик қилишга оид барча ишлар Адлия халқ комиссарлиги орқали амалга оширилиши таъминланди. Судларга умумий характердаги фармойишлар Олий суд орқали Адлия халқ комиссарлиги томонидан ёки Адлия халқ комиссарлиги билан келишилган ҳолда Олий суд томонидан берилган. Кундалик суд амалиётига раҳбарлик қилиш ва ягона суд сиёсатини амалга ошириш Олий суд зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Марказий ижроия қўмитаси томонидан 1928 йил 1 декабр куни қабул қилинган “Суд органларини ташкиллаштириш тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарорига асосан тергов ва суруштирув органларининг раҳбариятини бирлаштириш ҳамда Республикада қонунийликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Прокурори бошчилигида Давлат прокуратураси ташкил этилди. Умумий назоратни амалга

ошириш чоғида, хусусан, 6-моддада қуйидагилар белгиланган эди: “Тергов органларига умумий раҳбарлик қилиш, теров олди ва суриштирув ҳаракатларини назорат қилиш, шунингдек судда давлат айбловини таъминлаш Давлат прокуратураси томонидан амалга оширилсин”.

Шунингдек, ушбу қарор билан тергов органларининг тизимига ҳам бир қанча ўзгартиришлар киритилди. Худудий судлар таркибига кирувчи тергов аппарати эндиликда давлат прокуратураси таркибига киритилиб, бу билан тергов органларининг ўзига хос “икки томонлама бўйсинуви”га барҳам берилди. Аҳолига юридик хизмат кўрсатиш ҳамда судларда ҳимоячиларнинг иштрокини таъминлаш мақсадида ҳимоячилар коллегияси ташкил қилинди.

Республика ва худудий суд аппаратлари таркибида малакаси етишмайдиган ходимлар кўп бўлганлиги сабабли иш ҳужжатлари секин олиб борилиб, бу билан бюрократлик, сансалорлик ҳолатларига олиб келинган. Ушбу ҳолатларга чек қўйиш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлиги ҳузурида ҳуқуқни тарғибот қилиш Марказий бюроси, худудларда – худудий бюро, туманларда – юридик маслаҳатхоналар ташкил қилинди.

Ҳар қандай ижтимоий инқилобда ғолиб синф террор ва куч ишлатиш орқали ўзининг якуний ҳукмронлигини ўранатишига ҳаракат қилиш жараёни бўлади. Одатда бундай ҳолат узоқ вақт давом этмайди ва бунинг натижасида умумий амнистия эълон қилиниб, янги раҳбарлик қилувчи синф ўзининг ҳукмронлигини қонуний мустаҳкамлайди. Октябр инқилобидан сўнг Совет давлатининг тасдиқланиши оқибатида вужудга келган террористик аппарат йўқ қилиниши ўрнига балки, давлат бошқарув органи даражасига кўтарилди.

30-йилларнинг бошларида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлиги, Прокуратура ва Олий суд томонидан репрессив характеридаги кўплаб циркуляр ҳужжатлар нашр қилинган. Хусусан, Адлия халқ комиссарлигининг (23.09.1932 й) “Адлия идораларини пахта терими ва теримга тайёргарлик кўриш (заготовительной) компанияларида иштирок этиши”, (29.03.1932 й) “Чорва молларини ноқонуний ва ваҳшийларча йўқ қилинишига қарши курашни кучайтириш”, (31.10.1932) “Тўшт тайёрлов маҳсулотлари ишлаб чиқариш режасини назоратга олиш”, (29.03.1932) “Колхозлардаги протест келтирилган ишларни тезкор тергов ва муҳокама қилиш”, (07.09.1932) “Спекуляцияга қарши курашиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги циркуляр ҳужжатларини бунга мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Бундан ташқари, Прокуратура ва Суд идоралари фаолияти билан боғлиқ бўлган махсус циркуляр ҳужжатлар ва дериктив характердаги хатлар нашр қилинган. Хусусан,

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлиги томонидан 1930 йил 21 май куни “Суд ижрочилари иш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” циркуляр ҳужжат нашр қилинди. 1932 йилнинг 14 феврал куни – “Рўзномаларда чоп этилган мақолалар юзасидан тезкор тергов ҳаракатларини олиб бориш ва ишларни кўриб чиқиш” тўғрисида, 1930 йилда округларнинг тугатилиши муносабати билан халқ судларининг судга тааллуқлилиги кенгайиб, бу ҳақда ҳам циркуляр ҳужжат қабул қилинган.

Суд қарорлари, ажримлари ва буйруқларини ижро этиш мақсадида халқ судлари раҳбарлиги ва уларнинг бевосита назорати остида суд ижрочилари фаолият олиб боришган. Уларни лавозимига тайинлаш, озод этиш ва бошқа лавозимга ўтказиш Адлия халқ комиссарлиги ташаббуси билан, шунингдек халқ судлари ёхуд туман ижро кўмиталарининг тақдимномасига асосан амалга оширилган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлиги 1931 йил 11 октябр куни УзССР Марказий ижроия кўмитаси ва Халқ комиссарлари кенгаши томонидан тасдиқланган янги Низомга кўра, Прокуратура, Олий суд, ташкилий-инструкторлик бўлими, ахлоқий тузатиш муассасалари Бош бошқармаси ва умумий бўлимлардан иборат бўлган. Адлия халқ комиссари - Республика Прокурори, Олий суд раиси ва ахлоқий тузатиш муассасаси Бош бошқармаси бошлиғи лавозимларидаги ўринбосарларига эга эди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлиги Республика ҳудудида ягона суд сиёсатини амалга ошириб, барча адлия идоралари фаолиятига умумий раҳбарлик қилган, шунингдек давлат ва жамоат ташкилотлари ва жисмоний шахсларнинг фаолияти қонунийлигининг назоратини амалга оширган. Жиноятчиликка қарши курашиш борасида барча тергов органлар фаолиятига раҳбарлик қилиб, жиноятчиликнинг келиб чиқиши ва уни олдини олиш чора-тадбирларини ўрганиш каби масалалар билан шуғилланган. Шунингдек, Адлия халқ комиссарлигида махсус суд муассасаларини назорат қилиш ҳамда Республика ҳудуди бўйича ахлоқ- тузатиш амалиётини назорат қилиш ваколатлари мавжуд бўлган.

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини эътиборга олиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Марказий ижроия кўмитаси 1931 йил 20 июл кунидаги қарори билан “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси суд органларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги янги Низом тасдиқланди. Ушбу Низом талабларига кўра, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Прокуратураси биринчи навбатда давлат ва хўжалик ташкилотларининг, шунингдек жисмоний шахсларнинг фаолияти қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириб, қарор ва фармойишларга

протест келтириш, айбланувчиларга нисбатан жиноят, интизомий ва маъмурий қидирув кўзғатиш ҳаракатларини амалга ошириши белгиланган.

Шунингдек прокуратура органлари функцияларига тергов органлари фаолиятига раҳбарлик қилиш ва назоратни амалга ошириш, судларда айбловни қўллаб- қувватлаш ва прокурор назоратини амалга ошириш учун бошқа функциялар кирган. Бундан ташқари, фуқаролик ишларида прокурор иштроки таъминланиши шартлиги, шунингдек ҳукмнинг ижро этилишини назорат қилиш, қамоқда тўғри сақланиши ва ахлоқий тузатиш муассасалари фаолиятини назорат қилиш ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Прокуратурасига Республика Прокурори лавозимидаги Адлия халқ Комиссари ўринбосари раҳбарлик қилган. У Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Марказий ижроия қўмитаси кенгашининг Президиуми томонидан лавозимга тайинланган.

Ўз навбатида, вилоят ва шаҳар прокурорлари Республика прокурорига буйсунган. Алоҳида ҳолларда прокурор назорати бир неча туманларда битта прокурор томонидан амалга оширилган. Туман ва шаҳар прокурорларини лавозимга тайинлаш, озод этиш ва бошқа лавозимга кўчириш Республика прокурори томонидан амалга оширилган.

Янги тасдиқланган Низом асосида терговчилар махсус тергов участкаларида ва республика прокурори ҳузурида тергов ҳаракатларини амалга ошириш учун алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар ташкил қилинди. Уларнинг биринчиси халқ терговчилари, иккинчиси эса алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар деб номланган. Халқ терговчиларини лавозимга тайинлаш, озод қилиш, бошқа лавозимга ўтказиш республика прокурорининг шахсий ташаббуси ёхуд ҳудудий прокурорнинг, шаҳар кенгаши Президиумининг, туман ижроия қўмитасининг тақдимномасига кўра амалга оширилган. Алоҳида муҳим ишлари бўйича терговчилар Республика прокурори томонидан лавозимига тайинланган ва озод этилган.

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Марказий ижроия қўмитаси ва Халқ комиссарлари кенгашининг 1933 йил 17 декабр кунидаги Қарорига асосан Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг олдинги Олий суд Прокуратураси тугатилиб, ўрнига “Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Прокуратураси тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Республика Прокурорлари Адлия халқ комиссарликлари тизимида киритилган бўлиб, Адлия халқ комиссарларига бўйсунган. Прокуратура соҳасида қатъий марказлаштирилган тизим белгиланиб, қуйи турувчи прокурор, юқори турувчи прокурорга қатъий бўйсунган. Ўз ваколат доирасидан келиб чиқиб туман, Республика прокурорлари Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Прокурорининг вакили ҳисобланган.

1936 йилга қадар Прокуратура Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги таркибига кирган.

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Марказий ижроия қўмитаси ва Халқ комиссарлари кенгашининг 1934 йил 27 октябр кунидаги Қарорига асосан барча Иттифок Республикаларининг ахлоқий тузатиш муассасалари Адлия халқ комиссарлиги таркибидан чиқарилиб, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Ички ишлар халқ комиссарлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари тизимига киритилди.

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Марказий ижроия қўмитаси ва Халқ комиссарлари кенгашининг 1934 йил 7 август кунидаги Қарорига асосан темирйўл тармоқлари судлари Республикалар Адлия халқ комиссарлиги таркибидан чиқарилиб Олий суд таркибига киритилди.

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Марказий ижроия қўмитаси ва Халқ комиссарлари кенгаши томонидан 1934 йил 10 сентябр куни “Суд ва Прокуратура органларини қайта ташкил этиш ва мустаҳкамлаш тўғрисида” Қарор қабул қилиниб, унга кўра Адлия халқ комиссарлиги, Прокуратура ва Суд органлари тизимига бир мунча ўзгартиришлар киритилди. Ўша даврда Адлия халқ комиссарлиги - Прокуратура ва Олий суд, шунингдек бир қанча бўлимлардан ташкил топган эди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Прокуратураси Умумий назорат ва Олий суд прокуратурасига бўлинди. Бундай тизим, муаммоларнинг оператив ва тўғри ечимини таъминлай олмас эди. Бу эса прокуратура органи учун зарур бўлган аниқ (реал)ликдан маҳрум этар эди.

Марказий ижроия қўмита ва Халқ комиссарлари кенгаши томонидан прокуратуранинг янги тизимини тасдиқловчи қарор қабул қилиниб, мазкур қарорга кўра, эндиликда прокуратуранинг тизими Республика прокурори ва унга бўйсинувчи секторлар: қишлоқ хўжалиги, саноат, савдо-молия-кооператив қурилиш ва алоқа, маиший-суд, ИИХК органларининг назорати ва оператив секторлардан ташкил топди. Унинг штати прокурор ўринбосарлари, прокурор ёрдамчиларидан иборат бўлиб, ҳудудий принцип асосида прокуратуранинг бўлим ва қисмлари қайта ташкил этилди.

Иттифок Республикалар Адлия халқ комиссарлиги ташкил қилинишидан олдин, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий суди суд бошқарувининг функцияларини ҳам қисман амалга оширган. Унинг Пленум ва Президиум Кенгашларида халқ, ҳудудий судлари, адвокатура, нотариат фаолияти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган.

Суд ва прокуратура тизимини шакллантиришнинг якуний ҳужжати бўлиб 1936 йил 20 июлда Марказий ижроия қўмитаси ва Халқ комиссарлари кенгаши томонидан қабул

қилинган “ Адлия халқ комиссарлигини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарори хизмат қилди. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Марказий ижроия қўмитаси ва Халқ комиссарлари кенгаши томонидан 1936 йил 8 декабр куни Адлия халқ комиссарлиги тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Эндиликда, Ўзбекистон Олий суди суд бошқаруви функциясидан озод қилиниб, фақат олий назорат инстанцияси сифатида шаклланди.

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Адлия халқ комиссарлиги шаклланиши муносабати билан, барча прокурор-тергов органлари иттифокдош Республикалар Адлия халқ комиссарлиги таркибидан чиқарилди. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Адлия халқ комиссарлигига суд муассасаларини ташкиллаштириш ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати юклатилди.

1937 йил 20 май куни Республика Марказий ижроия қўмитаси ва Халқ комиссарлар кенгаши томонидан Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссарлиги тўғрисидаги янги Низом тасдиқланди. Ушбу Низом билан унга қуйидаги ваколатлар берилди:

- судлар томонидан “Судларни шакллантириш тўғрисида”ги Низом талабларига, жиноят, фуқаролик ва процессуал кодексларга қатъий риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- уларнинг амалиётда қўлланилишини умумлаштириш ва уларга қўшимча ва ўзгартириш киритилишини ишлаб чиқиш;
- судлар томонидан совет қонунларига қатъий риоя этилишини назорат қилиш ҳамда ягона ва тўғри суд амалиёти ташкил этилиши юзасидан судларга умумий кўрсатмалар бериш;
- суд тизимини ташкиллаштириш, судьяларни танлаш ва судлар фаолиятини ташкилий-хўжалик жиҳатдан таъминлаш;
- Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси суд муассасаларида тафтиш ўтказиш ва уларга (инструкторлик) қилиш;
- химоячилар коллегиясига раҳбарлик қилиш ва аҳолига юридик ёрдамни ташкиллаштириш;
- қишлоқ-жамоат ва производственно товаришеских судлари, нотариат, юридик мактаб ва курслар фаолиятига раҳбарлик қилиш ва назоратни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси қонунчилиги кодификациясини юритиш;
- суд статистикасини юритиш ва бошқалар.

Ушбу Низом билан Адлия халқ комиссарлигининг тизими белгилаб берилиб, раҳбарликни ўзининг 2 та ўринбосарига эга бўлган Адлия Халқ Комиссари амалга оширган. Адлия халқ комиссарлиги таркибида суд муассасалари, суд ҳимояси ва аҳолига юридик ёрдам кўрсатиш бўлимлари, нотариат сектори, Ўзбекистон Совет Социалистик

Республикаси қонунчилиги кодификациясини юритиш бўлими, юридик маслаҳат ва бошқалар ташкиллаштирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлиги ҳузурида Адлия халқ комиссари томонидан чақириладиган Кенгаш ўзининг фаолиятини олиб борган.

Қорақалпоғистон АССРнинг Ўзбекистон таркибига киритилиши муносабати билан, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлигига янги ташкил топган ҚҚ АССР Адлия халқ комиссарлиги ва Бош судига (кейинчалик Олий суд сифатида қайта шаклланган) раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилди.

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Адлия халқ комиссарлиги ташкил этилиши, Олий суднинг ваколатларининг ўзгартирилишига сабаб бўлди. У суд бошқаруви функциясидан озод қилиниб, одил судлов функцияси билан чегараланди. Бу чегара бирданига амалга оширилмай, балки босқичма-босқич, СССР, союз ва автоном республикалар суд қурилиши тўғрисидаги қонун қабул қилингунга қадар амалга оширилди.

Олий суд зиммасига қуйидагилар:

- Олий суд иш фаолиятини ташкиллаштириш;
- унинг коллегияси ва Олий суд аъзоларининг иш фаолиятини назорат қилиш;
- унинг ажрим ва қарорлари ижросини назорат қилиш;
- Адлия халқ комиссарлиги олдида маълум бир суд муассасасида тафтиш ўтказиш ёки ўрганиб чиқиш масаласини қўйиш;
- кассация амалиётининг маълумотларидан келиб чиққан ҳолда тегишли суд фаолиятини ўрганиш ва умумлаштириш, шунингдек Адлия халқ комиссарлиги олдида ушбу ўрганиш ва умумлаштириш натижаларидан келиб чиққан саволларни қўйиш;
- у ёки бу суд томонидан иш ҳужжатларининг ушлаб турилиши ҳақидаги фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиш;
- Адлия халқ комиссарлигининг келишуви билан суд фаолияти назоратини таъминлаш ва суд амалиётини умумлаштириш мақсадида жиноят ва фуқаролик ишларини сўраб олиб ўрганиш (сўраб олинган иш ҳужжатларини ўрганиш натижалари ҳақида Адлия халқ комиссарлигига маълумот тақдим қилиниши лозим бўлган);
- суд органларининг иш фаолиятини жойига чиқиб ўрганиш натижалари юзасидан Адлия халқ комиссарлигининг келишуви билан судьяларни Олий судга чақириш ва кейинчалик олиб борилган ҳаракатлар натижаси ҳақида Адлия халқ комиссарлигига маълумот тақдим қилиш;
- Олий суд раиси ҳузуридаги мажлиснинг иш фаолиятига раҳбарлик қилиш ва унинг навбатдаги йиғилишига кассация ва назорат амалиётидан келиб чиқадиган тегишли

масаларни олиб чиқиш;

- Олий суд учун ходимларни танлаш ва бошқалар юклатилган.

1936 йил 20 июлда Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Марказий ижроия кўмитаси ва Халқ комиссарлари кенгаши томонидан Адлия халқ комиссарлигини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, унинг биринчи Низоми 1936 йил 8 декабр куни тасдиқланди, 1939 йил 15 июн куни ушбу низомнинг янги таҳрири қабул қилиниб, унда Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Адлия халқ комиссарлигининг тизими ва ваколатлари белгиланди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Халқ комиссарлари кенгаши томонидан 1939 йил 1 ноябр куни тасдиқланган Адлия халқ комиссарлигининг Низомига асосан, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси суд органларининг барча фаолиятларига раҳбарлик қилиш Республика Адлия халқ комиссарлигига юклатилди. Шунингдек, ҚҚ АССР Адлия халқ комиссарлиги, вилоят Адлия бошқармалари фаолиятига раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси судларини ташкиллаштириш, суд органларининг иш фаолиятини назорат қилиш, уларнинг иш фаолиятини яхшилаш мақсадида тегишли раҳбарий кўрсатмалар бериш, адвокатлар ва нотариат органлари фаолиятини ташкиллаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш, юрист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси қонунчилиги кодификациясини юритиш учун ҳужжатларни тайёрлаш, судларнинг сайловларини ташкил этиш, ўтказиш ва бошқаларни амалга ошириш белгиланди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлиги таркибига:

- суд муассасалари бошқармаси;
- кадрлар бошқармаси;
- ўқув муассасалари бошқармаси;
- кодификация бўлими;
- адвокатура бўлими;
- нотариат бўлими ва бошқалар киритилди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлиги томонидан ҚҚ АССР Олий суди, халқ, вилоят судларини ташкиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар (уларнинг жойлаштирилиши, тизими ва штатлар сони) ишлаб чиқилган, жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб чиқилишида суд органлари томонидан қонунларга риоя қилиниши юзасидан тафтиш ўтказиш орқали ўрганиш олиб борган, шунингдек бошқа барча масалалар (ҳукмларни, ҳал қилув қарори ва ажримларни текшириш, иш ҳужжатларини суд муҳокамасига тайёрланиши, иш ҳужжатлари, шикоят ва аризаларни

кўриб чиқилишида белгиланган муддатларга риоя этилиши, уларни ҳисобга олиниши ва сақланиши) бўйича назоратни амалга оширган.

Бундан ташқари, республика Адлия халқ комиссарлиги суд ижрочиларининг фаолиятини назорат қилиб, суд статистикасини олиб борган.

1938 йил 29 ноябр куни Адлия халқ комиссарлигининг “Суд ижрочилари иш фаолиятини яхшилаш ҳақида” буйруғи қабул қилиниб, унга асосан суд муассасалари бошқармаси таркибида суд ижрочилари фаолиятига раҳбарлик қилиш сектори ташкил қилинди.

1939 йил 16 август куни Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Халқ комиссарлари кенгаши томонидан “ Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Адвокатураси тўғрисида”ги Низом тасдиқланиб, Низом талабларига асосан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барча вилоятларида ва ҚҚ АССРда адвокатлар коллегияси ташкил қилиниб, уларнинг зиммасига аҳолига, муассасаларга, корхона ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди. Адвокатуранинг барча функцияларини туман ва шаҳар юридик маслаҳатхоналари амалга ошириб бориши белгиланди.

1937-1941 йилларда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлиги томонидан “Давлат нотариати тўғрисида”ги Низомга бир қанча қўшимча ва таклифлар киритилди. Республиканинг 54 та туманларида нотариал идораларнинг мавжуд эмаслигини эътиборга олиб, Адлия халқ комиссарлиги томонидан 1938 йил 27 август куни туман судьяларига нотариал ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юкловчи буйруқ қабул қилинди.

Адлия халқ комиссарлиги коллегияси халқ адлия комиссари, унинг ўринбосарлари ва бошқарув ходимлари таркибида бўлиб ўтадиган мажлислар жараёнида, амалий раҳбарлик, ижрони текшириш, кадрларни танлаш, ҳисобот билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган.

ҚҚ АССР Адлия халқ комиссарлиги 1940 йил 9 январ куни ҚҚ АССР Халқ комиссарлари кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида ўзининг иш фаолиятини амалга ошириб, унинг тизими халқ судлари бўлимидан (суд ижрочилари сектори, кодификация сектори, адвокатура, нотариат ва бошқалар таркибида) иборат бўлган.

Ўзбекистонда вилоятлар меҳнаткашлари депутатлар кенгашлари ҳузурида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлигининг вилоят бошқармалари ташкил қилиниб, вилоят адлия бошқармалари тўғрисидаги Низомга (1939 й) асосан, ушбу идораларга худди ҚҚ АССР Адлия халқ комиссарлигининг ваколатлари каби қуйидаги вазифалар юклатилган:

- Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлигига вилоят ва халқ судларига қўйиладиган номзодларни тақдим қилиш;
- жойлардаги қўшимча халқ судьяларининг сайловини ташкиллаштириш;
- халқ судлари фаолиятини ва уларнинг сайловчилар олдида ҳисобдорлигини назорат қилиш;
- адвокатура, нотариат ва юридик маслаҳатхоналар фаолиятини ташкиллаштириш ва умумий назоратни амалга ошириш;
- суд ижрочилари фаолияти устидан тафтиш ўтказиш;
- юридик мактаб ва курслар фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- кадрлар ҳисоби ҳамда суд статистикасини юритиш ва бошқалар.

Вилоят адлия бошқармалари қўйидаги бўлимлардан иборат бўлиган:

- кадрлар бўлими;
- халқ судлари ва суд ижрочилари бўлими;
- суд статистикаси сектори;
- нотариат сектори;
- адвокатура сектори ва бошқалар.

Уруш даврида адлия идоралари тизимида сезиларли даражада ўзгаришлар амалга оширилмади. Республика адлия идораларининг тармоқлари барқарорлигини сақлаб қолишига қарамасдан, унинг айрим тармоқлари республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши билан боғлиқ бўлган тузатишларни бошидан кечирди.

Адлия халқ комиссарлиги таркибига халқ ва вилоят судлари бўлими, адвокатура ва нотариат, кадр, ўқув муассасалари, статистика бўлимлари ва бошқалар кирган. Текширишларнинг натижалари, суд идолари, вилоят адлия бошқармалари, суд ижрочилари, адвокатлар коллегияси, нотариал идоралари фаолиятининг умумлашмалари Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия халқ комиссарлигининг тезкор мажлисларида, коллегияларида кўриб чиқилган.

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Олий Кенгаши Президиумининг “Вилоят судлари ҳуқуқларини кенгайтириш ва иттифоқ республикаларнинг четдаги вилоят меҳнаткаш депутатлари кенгаши ҳузуридаги вазирлик бошқармалари ҳуқуқларини қисқартириш тўғрисида”ги (1956 йил) ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Президиумининг 1956 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси меҳнаткаш депутатлар Кенгаши ҳузуридаги Адлия вазирлиги бошқармаларини қисқартириш тўғрисида”ги Фармонларига асосан, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан 1956 йил 6 ноябр куни “Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги тўғрисида”ги янги Низом тасдиқланди.

Ушбу низом билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси давлат нотариати тўғрисидаги низомга ҳам ўзгартиришлар киритилди. (Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан 1956 йил 16 феврал куни қабул қилинган).

Ушбу низомга асосан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия Вазирлиги бевосита Республика Вазирлар Кенгашига бўйсинган. Вазирликда Вазир, унинг ўринбосарлари ва бошқарув ходимлари иштрокидаги коллегия иш фаолиятини олиб бориб, суд муассасалари ва адлия идоралари фаолиятига амалий раҳбарлик қилиш, ижрони назорат қилиш, кадрларни танлаш, ўта муҳим буйруқ ва йўриқномаларни тайёрлаш ва бошқа масалаларни кўриб чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги вазифалар юклатилган:

- Қароқалпоғистон АССР Адлия вазирлиги фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси судларини ташкиллаштириш, суд органлари иш фаолиятини назорат қилиш ва уларнинг иш фаолиятини ташкиллаштириш масалаларига оид кўрсатмалар бериш;
- нотариал идоралар фаолиятини ташкиллаштириш ва уларга раҳбарликни амалга ошириш;
- адвокатура тўғрисидаги низомга мувофиқ адвокатура фаолиятини ташкиллаштириш ва раҳбарлик қилиш;
- адлия идоралари, суд, нотариат, адвокатура кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- ҳукумат норматив қарорлари ва қонун ҳужжатлари лойҳасини тайёрлаш, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси қонунлари, Олий Кенгаш Президиуми Фармонлари ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳукумати қарорларини тизимлаштириш ва кодификациясини юритиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш.

1957 йил 29 март куни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия вазирлиги аппарати тизимида шикоятлар бўлими ташкил этилиши юзасидан Фармойиш берилиб, ушбу Фармойиш талабларидан келиб чиқиб, 1957 йил 21 сентябр куни Вазирликда буйруқ қабул қилинди.

1959 йил 23 март куни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Президиуми томонидан вилоят ва халқ судлари фаолияти устидан назоратни кучайтиришга қаратиш мақсадида Адлия вазирлиги тугатилиб, вилоят ва халқ судлари фаолиятини тафтиш қилиш, умумий назоратни амалга ошириш, суд статистикасини юритиш ваколатлари Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий судига берилди. Бундай қайта ташкил қилиш ҳаракатларининг амалга оширилиши муносабати билан, суд орғналарига раҳбарликни юқори турувчи суд инстанциялари амалга ошира

бошлади. Ўз навбатида бу ҳаракатлар суд органларига хос бўлмаган ортиқча иш юкланганлиги, суд назорати ва одил судловга путр етгалиги билан изоҳланади.

1959 йил 24 ноябр куни Республика Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Юридик комиссия тўғрисида”ги Низомда юқорида қайд қилинган вазифалар аниқ белгилаб берилди. Унинг вазифалари кўйидаги функциялардан иборат бўлди:

- Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси қонунчилиги кодификациясини юритиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш, айрим эскириб қолган низомларнинг бекор қилиниши ва янги қонун ва бошқа норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши муносабати билан қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- Ўзбекистон совет Социалистик Республикаси қонунчилиги, Олий Кенгаш Президиуми Фармонлари ва норматив характерга эга бўлган ҳукумат қарорларини хронологик ва систематик тўпламларини тузиш, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси кодексларини тайёрлаш;
- Ҳукумат топшириғи ёки ўзининг ташшабуси билан қонун ёки норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тузиш ва уларни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Вазирлар Кенгаши муҳокамасига тақдим қилиш;
- манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўз кучини йўқотган қонун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорларининг рўйхатини тузиш ҳамда Вазирлар Кенгашининг тасдиғига киритиш; Вазирлар Кенгаши муҳокамасига киритилаётган норматив характерга эга бўлган қонун ва норматив ҳужжатларининг лойиҳалари юзасидан ўзининг ҳулосасини бериш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Президиуми Фармонлари, норматив характерга эга бўлган ҳукумат қарорларини тизимлаштириш бўйича иш олиб бориш;
- Вазирлар Кенгашининг топшириғи асосида қонунчилик юзасидан маълумотномалар тузиш;
- Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳукуматининг норматив қарорлари ва қонун ҳужжатлари ҳисобини юритиш;
- Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий Кенгаш ижроия қўмиталарининг сўровномасига кўра қонун ҳужжатларига тушунтириш бериш;
- адвокатура ва илмий-тадқиқот суд экспертизаси институти ходимларини жалб қилган ҳолда қонунчилик юзасидан ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш;
- уларнинг иш фаолиятини экспертизадан ўтказиш;
- илмий-тадқиқот суд экспертизаси институти иш фаолиятининг якунлар юзасидан

ҳисоботларини эшитиш ва тегишли қўлланмалар чоп этиш;

- адвокатура фаолиятига унинг низом талабларидан келиб чиққан ҳолда раҳбарлик қилиш ва назоратни амалга ошириш;

Аммо кейинчалик белгиланган ҳаракатларнинг амалга оширилиши натижасида, бундай ҳолат ўзининг ижобий натижаларини бермасдан, балки бу тусдаги ёндошув хато бўлганлиги ўз исботини топди. Натижада, қонун ҳужжатларининг сифатли тайёрланишига путур етказилди. Бу ҳолат, профессионал юрист кадрларнинг малакасида ҳам ўзининг салбий оқибатларини номоён қилди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, 1970 йил 31 август куни Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Олий Кенгаш Президиуми томонидан “Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг Иттифоқдош республикалари Адлия вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” Фармон қабул қилинди.

Ўз навбатида, 1970 йил 1 октябр куни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Президиуми томонидан “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси иттифоқ-республикаси Адлия вазирлигини ташкил этиш ҳақида” Фармон қабул қилинди. 1972 йил 27 сентябр куни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан унинг низоми тасдиқланди. Ушбу Низомга асосан Вазирлик томонидан:

- Қароқалпоғистон АССР Адлия вазирлиги фаолиятига раҳбарлик қилиш, вилоят, Тошкент шаҳар ва туман(шаҳар) халқ судлари фаолиятига раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси қонунчилигини тизимлаштириш ва кодификациясини юритиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш, ҳукукий тарғибот ва аҳолига қонунчиликни тушунтириш масалаларида услубий раҳбарликни амалга ошириш, нотариат, Тошкент шаҳар илмий-тадқиқот суд экспертизаси институти фаолиятига раҳбарлик қилиш, шунингдек ФХДЁ ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси адвокатураси фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш ваколатлари белгиланди.

1976 йил 5 май куни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қарорига асосан Низомга катта аҳамиятга эга бўлмаган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси қонунчилигини тизимлаштириш ва кодификациясини юритиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш масалаларига қаратилди.

70-80 йиллар давомида адлия идоралари тизимида муҳим ўзгаришлар рўй бермади. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Адлия вазирлиги судлар фаолиятининг ташкилий таъминланиши билан шуғулланиб, суд органларини ташкиллаштириш, адлия ва суд идоралари кадрларини танлаш, тарбиялаш ва тайёрлаш, одил судловнинг таъминланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, вилоят, шаҳар, туман

судларининг фаолиятининг ташкиллаштирилиши юзасидан текширишлар олиб бориш каби вазифаларни амалга ошириб келди.

Мазкур йилларда, Адлия вазирлиги томонидан суд органларининг жиноий ва фукаролик ишларининг кўриб чиқилишини такомиллаштириш масалалари бир неча маротаба кўриб чиқилган.

Адлия вазирлиги, унинг жойлардаги бошқармалари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда суд амалиётидаги жиноят ишларининг алоҳида тоифаларини ўрганиб, ўрганиш натижалари юзасидан камчиликларни бартараф этилиши бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Жумладан, суд амалиётидаги ўзлаштириш, пора олиш, спекуляция, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш, суд-прокурор амалиётидаги мулкни хатлашдан озод этишга доир, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан давлат ва жамоа мулкининг ўзлаштирилишига оид иш ҳужжатлари олиб ўрганилган ва умумлаштирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини текшириш натижалари ва суд-прокурор амалиёти умумлашмалари юзасидан тўпланган ҳужжатлар суд, прокуратура ва ички ишлар органларининг бирлаштирилган коллегияларида ёки мувофиқлаштириш кенгашларида муҳокама қилинган.

Адлия вазирлигининг коллегияларида Вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналар томонидан аёллар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиниши кўплаб муҳокама қилинган. Адлия вазирлиги, унинг жойлардаги бошқармалари ҳамда суд органларининг диққат марказида, фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашнинг олдини олишга қаратилган самарали ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш муаммолари бўлган.

Адлия идоралари ва суд ходимлари томонидан аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот ишлари кенг амалга оширилиб келинган. Судья, нотариус, адвокат ва юрист-олимлари томонидан кўплаб чиқишлар қилинган. Адлия вазирлиги республика газеталари varaқларидаги ҳуқуқий мақолаларнинг мазмуни ва тематик йўналишини таҳлил қилиш усулидан фойдаланди ҳамда уларда келтирилган таклифларни амалга ошириш чораларини излади.

Шунингдек, Вазирликнинг диққат марказидаги масалалардан бири- бу ёшлар орасида ҳуқуқий-тарбиявий тадбирларнинг сифат даражасини ошириш бўлган.

1983-85 йиллар давомида Адлия вазирлиги ҳузуридаги ҳуқуқни тарғибот қилишнинг мувофиқлаштирув-услугий Кенгаши йиғилишларида ёшлар орасида йўл қўйилаётган қонунбузилиш ҳолатларини таҳлил қилиш масаласида ўндан ортиқ ҳолатлар кўриб чиқилган.

Бундан ташқари, Адлия вазирлигида аёлларнинг номусига, ғурурига ҳамда дахлсизлигига қаратилган жиноий ҳаракатларга қарши курашиш чора-тадбирларини кучайтириш каби масалалар эътиборли аҳамиятга эга бўлган. Вазирликнинг маълумотларига асосан, 1985 йилда ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказганлиги учун 103 нафар шахс жавобгарликка тортилган, мазкур жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш мақсадида судлар томонидан бир қатор ажримлар қабул қилинган.

Кейинги йилларда, Адлия вазирлиги томонидан республика судлари ва адлия идораларининг фаолиятини ташкиллаштириш, халқ хўжалиги соҳасида ҳуқуқий тадбирларни амалга ошириш, ҳуқуқий-тарғибот, фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрстиш ва қонунчиликка тушунтириш бериш каби масалаларга жиддий эътибор қаратилди. Шунингдек, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда меҳнат ва давлат интизомининг бузилиши, ўзлаштириш, меҳнатсиз фаолият йўли билан киритилган даромад, безорилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва бошқа шу каби қонун бузилиш ҳолатларига қарши курашиш чора-тадбирларини амалга оширган.

Бундан ташқари, мулкни давлат фойдасига мусодара қилиш, жиноий қилмиш билан етказилган моддий зарарни ундириш, шунингдек, болалар таъминоти учун алиментларни ундириш, халқ маслаҳатчилари билан ишлаш фаолиятини ташкиллаштириш билан боғлиқ бўлган суд қарораларининг ижросини таъминлаш бўйича мақсадли текширувлар ўтказилган.

Адлия вазирлиги ва бошқармалари текшириш натижаларида аниқланган камчиликларга жиддий муносабатини билдириб, бу фуқароларнинг аниқ мурожаатларини жойлардаги суд, адлия идораларига чиқиб ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш билан изоҳланган. Шунингдек, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда, суд амалиётининг ишга тиклаш, уй-жой масалалари, фоҳишабозлик ва валюта операциялари билан боғлиқ масалалари, меҳнатсиз фаолият йўли билан қўлга киритилган даромад каби масалалари ўрганилган ва умумлаштирилган.

Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан илмий-техника воситаларини амалда жорий қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, 1988 йил декабр ойида бўлиб ўтган Коллегияда Тошкент шаҳар илмий-изланиш суд экспертизаси институтида экспертизаларнинг ҳолати ва ишлаб чиқарилишини такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилди. ТашИИСЭИ (ТашНИИСЭ) билан ҳамкорликда судлар томонидан бухгалтерлик, хатшунослик экспертизаларининг амалда қўлланилиши ўрганиб чиқилди.

Жойларда услубий ёрдам кўрсатишга катта аҳамият берилиб, бу борада Адлия идоралари ва суд муассасаларига адлия бошқармалари иш номеклатураси; адлия бошқармалари ходимларининг хизмат вазифалари, халқ судларида иш юритиш

йўриқномалари; туман-шаҳар халқ судларида ишларни режалаштириш тавсиялари; Адлия вазирлиги тизимидаги ходимларнинг мустақил билим олишини ташкиллаштириш тавсияномалари; давлат нотариал идораларининг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўриқномалари; адлия бошқармалари коллегияларининг иш юритиш Низоми; туман ва шаҳар халқ судларида энг яхши ишни ташкиллаштиш, энг яхши суд ижрочиси, энг яхши юридик маслаҳат, энг яхши нотариал идора, ФХДЁ бўлими ва намунавий бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисобдорлиги юзасидан танлов ўтказиш тўғрисидаги Низомлари юборилган.

Суд органларининг кадрларини танлашда эътибор кучайтирилганлиги сабабли, уларнинг тайёргарлик кўришига катта аҳамият қаритилган. Хусусан, Республика малака ошириш марказида судьялар ва бошқа суд муассасаси ходимларининг ўқитиш программалари ўзгартирилиб, Адлия вазирлиги ходимлари ушбу машғулотларда шахсан ўзлари қатнашиши белигиланган. Бевосита вазирлик ходимлари иштрокида судьяларнинг билимини ошириш мақсадида бўлиб ўтадиган семинар машғулотларида махсус программалар ишлаб чиқилган.

Халққа сифатли юридик хизмат кўрсатиш мақсадида адвокатура, нотариат, ФХДЁ идораларининг фаолиятини яхшилаш учун кўплаб ишлар амалга оширилган. Амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида комплекс текширувлар олиб борилган. Фақатгина 1988 йилда умумий ҳисобда адвокатлар томонидан 267,7 мингта фуқароларнинг топшириқлари, шундан 157,6 мингта оғзаки маслаҳатлар ва 53 мингта ёзма ҳужжатлар бажарилган. Адвокатларнинг фуқаролик ишларида иштроки таъминланди. Бир йил мобайнида уларнинг иштрокида 20 мингдан ошдиқ фуқаролик ишлари кўриб чиқилди.

Республика Адлия вазирлиги ФХДЁ органларининг фаолиятини умумлаштириб, фуқаролик ҳолати актларини ёзишда қонунийликни таъминлаш масалаларини ўрганди.

Одамларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали кўплаб чиқишлар, шунингдек маърузалар қилинди, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказиб борилди. Хусусан 1988 йилда 24 мингта маъруза ва суҳбатлар, 1,8 мингта радио, телевидения ва нашриётларда чиқишлар қилинди.

Вакт ўтган сари, нотариусларнинг ҳам фаолиятига зарурият кўпайиб борди. Корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан тузиладиган шартнома ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни нотариал идоралар орқали тасдиқланишига эҳтиёж ошиб кетди. Хусусан, 1990 йилда нотариуслар томонидан 1 млн. 414 мингта нотариал ҳаракатлар амалга оширилди.

Мазкур шароитларда, нотариусларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, уларни моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлаш, фуқароларнинг адвокатлар хизматидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, адвокатларга айрим тасдиқлаш мақомига эга бўлган

нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқларини бериш каби масалалар ўзини намоён қилди. Нотариал идоралар томонидан амалга оширилган ҳаракатлар фуқароларнинг эҳтиёжини тўлиқ қондира олмас эди. 20 йил олдин қабул қилинган қонун билан белгиланган ваколатлар доирасида нотариал идоралар томонидан амалга оширилган ҳаракатлар нотариусларнинг ҳуқуқлари чекланишига олиб келди, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда нотариал идораларнинг манфаатдорлиги бўлмаганлиги сабабли уларнинг иш фаолиятини кенгайтиришга эҳтиёжи бўлмаган.

Суд ва адлия идоралари фаолиятининг самарасини ошириш, уларнинг ишлаш шароитлари ва моддий-техник жиҳатидан таъминланганлиги билан боғлиқ бўлган. Мазкур идоралар томонидан маҳаллий бюджетга етарлича маблағ тушурилганлигига қарамадан, уларнинг моддий-техникасини ривожлантиришга Республика бюджетидан етарлича маблағ ажратилмай келинган.

Кўплаб суд, нотариат ва ФХДЁ органлари техник жиҳатдан таъминланмаган ва авария ҳолатига учраган биноларда фаолият юритган. Қоғозлар, ёзув машиналари, оргтехника, мебель жиҳозлари таъминланмаган ҳолда, шунингдек штатлар сони нормал ҳолатга нисбатдан икки баробар кам бўлган ҳолда фаолият олиб борган.

Хуллас, Республикамизда дастлаб Ўзбекистон Халқ Адлия комиссарлиги 1924 йил 26 ноябр куни автоном Туркистон Республикаси Халқ Адлия комиссарлиги негизидан, Революцион кўмитанинг қарорига асосан ташкил қилинган бўлиб, Ўзбекистон Марказий ижроия кўмитаси Президиуми кенгашининг 1925 йил 6 май кунги қарори билан адлия идораларининг тузулмаси ва ваколатларини белигилаб берувчи Адлия халқ комиссариати низоми тасдиқланди. Шундан сўнг то мустақиллик йилларига қадар адлия соҳасида нисбатан ўзгаришлар амалга оширилди. Аммо бу соҳада том маънодаги туб ўзгаришлар мустақиллик йилларидан сўнг рўй берди.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти давлат органлари ишининг нечоғли самарадорлигига боғлиқ. Улкан бюрократик аппарат ривожланишга тўсқинлик қилади ҳамда давлатнинг бозор ислохотлари, ижтимоий вазифаларни бажаришга доир саъй-ҳаракатларига халақит беради. Бундай ҳолат рўй бермаслиги учун давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимини ислоҳ қилишга ҳамда уни замон талабларига мослаштиришга мажбур. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов қайд этганидек, маъмурий тизимда ислохотларни амалга ошириш пайти келди ва уларни зудлик билан бажариш зарур. Бусиз чуқур иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш наинки қийин, балки асло мумкин эмас.

Жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва барча даражадаги бошқарув органлари фаолиятини жиддий танқидий таҳлил қилиш асосида республика ҳукумати томонидан бошқа давлат органлари қатори адлия органи соҳасида ислохотларни амалга ошириш бўйича асосий ёндашувлар ва йўналишлар ишлаб чиқилди. 2003 йил 27 августда (Вазирлар Маҳкамасининг 370-сонли қарори билан тасдиқланган) **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида Низоми**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27. 08. 2003 йилдаги **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Қарорининг** қабул қилиниши фикримизнинг яққол исботидир.

Шакллантирилаётган ҳуқуқий, қонунчилик базасининг ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини таъминлаш устидан мониторинг қилиш мақсадида 15.12.2005 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази ташкил қилиш” тўғрисида (N ПҚ-237) қарори** қабул қилинди.

Юқорида айтиб ўтилган норматив ҳужжатлар Адлия вазирлиги соҳасидаги ислохотларнинг асосини ташкил этди.

1.2. Адлия вазирлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти

Давлат органлари турли хил масалаларни ҳал қиладилар, яъни иқтисодиёт фаолиятини таъминлаш, ташқи сиёсатни амалга ошириш, илм-фан ривожига шароит яратиб бериш, таълим, фан, маданият, муҳофаа қобилиятини таъминлаш в.б. Ҳар бир давлат органи ўз вазифалари ва функцияларини амалга ошириш билан бир қаторда қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ва нодавлат ташкилотлари, меҳнат жамоаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш каби бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни ҳам амалга оширадилар.

Давлат ва жамиятнинг асосий институтларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўналиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган. Хусусан, Конституциянинг 13-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади," дейилган.

Ушбу масалалар ЎзР Конституциясининг 2,15,19,20,43-моддалари ва бошқа бир қатор моддаларда ўз аксини топган. Шу билан бир қаторда фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний йўллар билан таъминлашни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Шуни таъкидлаш керакки, кўпгина давлат органларининг фаолият доираси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қонунийликни таъминлаш масалаларини ҳал қилиш билан чегараланиб қолмайди. Биринчи навбатда улар хўжалик, фан, маданият, муҳофаа қобилияти, ташқи сиёсат ва бошқа соҳалар билан шуғулланадилар. Қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш функцияларини улар ўзларининг асосий фаолиятлари билан биргаликда уйғун равишда амалга оширадилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари - бу давлат органлари ва жамоат ташкилотлари бўлиб, улар ўз фаолиятини қонун ҳамда демократик принципларга асосланган ҳолда амалга оширадилар, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлайдилар, фуқаролар, меҳнат жамоалари, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладилар, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва қонун ҳамда ҳуқуқ тартиботни бузган шахсларга давлатнинг мажбурлов ёки жамиятнинг таъсир чораларини қўллайдилар.²

² Семенов В.М. Правоохранительные органы: Дарслик. – М.: Юрид. лит., 1991. – Б. 28-29.

Ушбу тушунча ўзининг моҳиятига кўра барча давлат органларига тегишлидир, чунки санаб ўтилган функциялар уларнинг барчасига хосдир.

Ушбу тушунчанинг асосини қонунийлик ҳамда ҳуқуқ тартибот ташкил этади. 1992 йил қабул қилинган ЎзР Конституциясида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот иборалари кўп ишлатилган, аниқроғи 121-модданинг 2-қисмида: "Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин" деб айтилган. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот ЎзР Конституциясининг 24-42, 43-54 ҳамда бошқа моддаларда ҳам кўрсатилган ва кафолатланган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бўлиб, қонунга мувофиқ жисмоний (юридик) шахсларнинг ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилувчи ҳамда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминловчи муассаса, мансабдор шахс ёки бошқа шахслар (масалан, судья, терговчи, юридик ёрдам кўрсатувчи фуқаро) ҳисобланади.³ Бундан ташқари "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари соҳавий фаолиятининг хусусияти бўйича алоҳида мустақил давлат органлари гуруҳини ташкил этиб, уларнинг олдиларига аниқ белгиланган вазифалари мавжуд"⁴.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тушунчаси ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари тушунчаси билан турдошдир. Бу тушунчалар ниҳоятда ўхшаш лекин бир хил эмас. Уларнинг ҳар бири белгиладиган органлар доираси турличадир. Ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш органларнинг барчасини ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари деб ҳисоблаб бўлмайди. Худди шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторига ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш органларининг айримларини киритиб бўлмайди.

У ёки бу давлат органини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари сафига қўшишда амал қиладиган талабларни англашда "ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти" деб ном олган фаолиятнинг хусусиятларини аниқлаш зарур. Ушбу тушунча нисбатан ёш тушунча бўлиб, юридик муомалага 50-йилларнинг охири -60-йилларнинг бошларида кириб келган.

Амалдаги қонунчиликда "ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти" тушунчасини белгиловчи ҳуқуқий норма мавжуд эмас. Бу эса ўз ўрнида, асосли равишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар каторига киритилиши мумкин бўлган давлат ёки нодавлат органлари рўйхатида турлича талқинларга олиб келади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ҳуқуқий норматив ҳужжатлар билан тартибга солинган жисмоний юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда қонуний-лик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлашга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш

³ Рыжаков А.П. Правоохранительные органы. Дарслик. – М.: Контракт, Инфра – М, 2001. - Б.4

⁴ Правоохранительные органы Российской Федерации / В.П. Божьевнинг таҳрири остида. –М.: Спарк, 2001. - Б.17

ва қарорларни қабул қилишни кўзда тутати⁵. Илмий адабиётда мазкур тушунчанинг бошқача талқини ҳам мавжуд. Хусусан, унга махсус ваколатга эга бўлган органлар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадида қонунга ва белгиланган тартибда қатъий риоя этган ҳолда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш йўли билан амалга ошириладиган давлат фаолияти деб тушунча берилган⁶.

Ушбу масала юзасидан назарияда мавжуд доктриналарга мувофиқ кўриб чиқиладиган давлат фаолиятининг тури қатор белгиларга эга.

Улардан *бири* шунда кўринадик, бундай фаолият ҳар қандай усул билан амалга ошмайди, балки фақат ҳуқуқий таъсир чораси қўллангандагина намоён бўлади. Уларга қонун билан тартибга солинган давлатнинг мажбуриятлари ҳамда жазолаш усуллари киритишимиз мумкин. Масалан, жиноят содир этилганда, унга нисбатан жиноят қонунчилигида назарда тутилган жазо ёки қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилади; жиноий жавобгарлик келтириб чиқармаган ҳолда моддий зарар етказилганда, зарарни қоплаш мажбурияти юкланади; агар шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилмаган бўлса, айтайлик, бирон-бир хизмат ёки маҳсулот тайёрлаш лозим даражада бажарилмаса, у ҳолда моддий санкция қўлланилади; шахс автотранспорт воситасини маст ҳолда бошқарган тақдирда, унга нисбатан жарима қўлланиши ёки ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиниши ва ҳ.к. Ҳуқуқий таъсир чораларининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни оғоҳлантириш, уларни профилактика қилиш турларига катта аҳамият берилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг *иккинчи* аҳамиятли белгиси ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда қонун ёки бошқа ҳуқуқий меъёрларда кўрсатилган шартларга тўла мос келишидир. Фақат уларгина ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга асос бўла оладилар. Шундай таъсир чорасини қўлловчи орган қонунга аниқ, пухта амал қилишга мажбур. Масалан, агар қонунга асосан биринчи марта безорилик жиноятини содир этганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан 100 баробаригача жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ жазоси қўлланиладиган бўлса, у ҳолда юқоридаги таъсир чоралари фақат шу чегараларда қўлланилиши лозим.

Учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ўзига хос белгиларидан яна бири шундаки, у фақат қонунда белгиланган маълум тартибга амал қилган ҳолда амалга оширилади. Ми-сол учун, жиноий жазони белгиладиган ёки ундан озод қиладиган ёхуд судланувчини оқлайдиган суд ҳукми фақат процессуал нормаларда белгиланган тартибда

⁵ Рыжаков А. П. Правоохранительные органы: Краткий курс. – М.: «Инфра-М», 2002. – Б.1.

⁶ Гуценко К. Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Юридический аспект деятельности правоохранительных органов. – М.: «Зерцало», 2002. – Б.9; Гуляев А.П. Правоохранительная деятельность (понятие, виды, субъекты). Маъруза. – М.: «Спарк», 1999. – Б.3-7.

суд муҳокамасида иш ҳолатлари тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона муҳокама қилингандан кейингина чиқарилади. Бундай муҳокама маслаҳатхонада маслаҳатлашув сир сақланган ва бошқа тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилади. Қонунда бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳал қилишнинг ўз тартиб-қоидалари белгиланган. Маъмурий, ишдан бўшатирилганлик тўғрисидаги ва бошқа низоларни ҳам ҳал қилишнинг ўзига хос тегишли тартиб-қоидалари мавжуд. Умуман олганда, у ёки бу ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ёки қўлламасликка қарор қилиш учун қонунда мажбурий равишда амал қилиши лозим бўлган аниқ қоидалар ўрнатилган. Уларни бузганлик қарорни ноқонуний ҳамда ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг янада муҳим белгиси шуки, фаолиятни амалга ошириш, аввало, махсус ваколатларга эга бўлган давлат органларига юклатилади ва улар ўз навбатида тегишли равишда тайёрланган ходимлар - аксарият ҳолда юристлар ва бошқа соҳаларни эгаллаган мутахассислардан иборатдир. Уларнинг ихтиёрида моддий ва техник воситалар бўлади. Бундай давлат органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти алоҳида қонунда белгиланади ва шу билан бир қаторда муҳим масалаларни ҳал этишнинг процессуал тартиби ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тайёрланаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун ҳуқуқий таъсир чора-ларини қўллашга қарор қилишда тезкорлик, асослилик, қонунийлик ва адолатлиликни таъминлаш учун зарур.

Юқорида айтилганларни эътиборга олиб ҳуқуқни муҳофаза қилиш деб ҳисобланаётган фаолият тушунчасини аниқлаш мумкин. Келтирилган белгилар ва уларга берилган қисқача шарҳлардан кўриниб турибдики, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига шундай давлат фаолиятини киритиш мумкинки, унда махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари қонунга ҳамда белгиланган тартибга қатъий риоя қилган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадида ҳуқуқий таъсир чорасини қўллайдилар.⁷

Бу тушунчада асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат фаолияти ҳақида гап боради. Бироқ бундай фаолиятни фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас, балки барча давлат органлари томонидан у ёки бу даражада амалга оширилади.

Юқорида келтирилган барча тушунча ва таърифларни таҳлил қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти – бу давлат ва унинг номидан махсус ваколатли органларнинг қонун билан белгиланган тартибда ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш орқали қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва бошқа фуқаролик бирлашмаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, фуқароларни

⁷ Гуценко К.Р., Ковалев М.Н. Правоохранительные органы. Юридик олий ўқув юртлари ва факультетлари учун дарслик. 6- нашр. / К.Ф. Гуценконинг таҳрири остида. –М.: ЗЕРЦАЛО–М, 2001. –Б.6-

хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятдир дейиш, мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг белгилари қуйидагилар:

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти махсус ваколатга эга бўлган, фаолияти, тузилиши, таркиби қонун билан қатъий тартибда белгиланган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти фуқаролар, жамият ва давлатни жиноятчилик ёки бошқа таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган.

3. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти қонун билан белгиланган қатъий тартибда амалга оширилади. Ваколатли орган у ёки бу таъсир таъсир чорасини қўллаш ёки қўлламасликдан олдин ўша ҳолат бўйича қонун билан белгиланган қоидаларга риоя қилишга мажбур.

4. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти фақат давлатнинг мажбурлов ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш орқали амалга оширилади.

5. Ҳуқуқий таъсир чораси қатъий тартибда қонун асосида бўлиши лозим.

Ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти тушунчасини таърифлашда унга бир қадар чегараланган мазмун бериш аъъанаси кенг тарқалган. Масалан, айримлар учун жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ваколатли давлат органлари амалга ошираётган фаолият деб ҳисобланса, бошқалар учун эса жамоат тартибини таъминлаш деб қаралади. Бундай ёндашув анча соддалаштирилган тарзда намоён бўлади зеро, ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳаси кўлами жиноятчиликка ёки жамоат тартиби бузилишларига қарши кураш соҳаларига қараганда анча кенгдир.

Ҳар бир суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти қуйидаги аниқ бир натижаларга эришишга қаратилган:

- қонуний ва бошқа норматив актларни конституциявийлигини текшириш орқали қонунийликни таъминлаш;

- жиноят, фуқаролик, хўжалик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ишларни адолатли муҳокама этиш ва ҳал этиш;

- прокурор назорати ва айбловни қўллаш орқали қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш;

- жиноятларни очиш ва уларни содир этган шахсларни фош этиш;

- ҳукмни ва бошқа суд қарорларини ижро этиш;

- жиноят ва бошқа ҳуқуқ бузарликларни олдини олиш;

- малакали юридик ёрдам кўрсатиш ва бошқа юридик хизматлар кўрсатиш;

Бундай натижаларга суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан маълум бир функцияларни амалга ошириш орқали эришилади:

- конституциявий назорат;
- одил судлов;
- суд қарорларини ижро этиш;
- судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш;
- прокурор назорати;
- жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш;
- юридик ёрдам кўрсатиш ва жиноят ишлари бўйича ҳимоя қилиш.

Юқорида қайд этилган вазифалар (йўналишлар) бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради. Шунинг таъкидлаш жоизки, буларнинг орасида конституциявий назорат ва одил судлов энг муҳим ўринни эгаллайди. Улар ўзининг моҳиятига кўра ҳозирги кунда *суд ҳокимияти* деб номланади. Маълумки, давлат ҳокимиятининг мазкур тармоғи ҳуқуқий давлатнинг асосий, бош белгиси бўлиши керак. Чунки, ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун суд ҳуқуқий ислохотларни шакллантириб, уларни ривожлантириб борилиши лозим. Бунинг давлатнинг самарали конституциявий назоратсиз ва одил судловсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг ривожланиши ва кенгайиб бориши жамият ва давлат механизмига ўз таъсирини ўтказади. Чунки, бу ҳол жамият ва давлат механизми самарали бўлишини таъминлайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига оид вазифаларни амалга оширувчи аниқ органлар мавжуд бўлиб, улар *ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари* деб номланади. Ҳозирги кунда бундай органлар ҳақидаги масала турлича ҳал этилмоқда.

Масалан, *А.П. Рыжаков* ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг 17 та функцияси асосий йўналишлари ҳақида фикр юритган. Булар:

- 1) Одил судловни амалга ошириш;
- 2) Судларнинг фаолиятини ташкилий таъминлаш;
- 3) Жиноят - ижроия фаолияти;
- 4) Прокурор назорати ва прокуратура соҳасидаги фаолиятнинг бошқа йўналишлари;
- 5) Жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш фаолияти;
- 6) Дастлабки тергов;
- 7) Суриштирув;
- 8) Тезкор - қидирув фаолияти;
- 9) Нотариал фаолият;
- 10) Жиноят ишлари бўйича юридик ҳимоя ва ёрдам кўрсатиш (юридик хизмат);

- 11) Суд ишларини юритуви (жиноят процесси);
- 12) Хавфсизликни таъминлаш;
- 13) Жамоат тартибини сақлаш;
- 14) Божхона тўғрисидаги қоидаларни бузганликка доир ишларни юритиш;
- 15) Солиқ тўғрисидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишларни юритиш;
- 16) Контрразведка соҳасидаги фаолият;
- 17) Ташқи разведка.⁸

Бундан ташқари, давлат органларига, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тегишли бўлган умумий характердаги вазифалар ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин. *Масалан*, суд, прокуратура, ички ишлар органларининг вазифалари тўғрисида. *Буларга*: режалаштириш, назорат, инспекциялар, ахборот билан таъминлаш, разведка (бошқарув, ходимлар орасида, молиявий), қабул қилинган қарорларнинг ижро этилишини текшириш ва назорат қилиш, кузатувни ташкил этиш, якуний хулоса бериш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Бизнингча, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- 1) конституциявий назорат, унинг асосий вазифаси қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар томонидан қабул қилина-диган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясига мослигини текшириш;
- 2) одил судловни юритиш, яъни фуқаролик ва жиноий ишларни тортишувчилик асосида олиб бориш ва улар юзасидан қонуний ва асослантирилган қарорлар қабул қилиш;
- 3) хўжалик судларида суд ишларини юритиш, яъни фуқаро-лик-ҳуқуқий муносабатлар (иқтисодий низолар) ва бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда суд ҳокимиятини амалга ошириш;
- 4) суд органларининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлашга ва суд қарорларини ижро этиш юзасидан ишларни ташкил этишга қаратилган суд фаолиятини ташкиллаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш;
- 5) прокурор таъсир чоралари ёрдамида қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан прокурор назоратини амалга ошириш;
- 6) нотариал фаолият;
- 7) жиноятларни фош этиш ҳамда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга қаратилган фаолият;
- 8) жиноят ишлари бўйича юридик ҳимоя ва ёрдам кўрсатиш.

⁸ Рыжаков А.П. Правоохранительные органы.- М.: Контракт, 2001. –Б. 1-2.

Санаб ўтилган вазифалар (йўналишлар)ни амалга ошириш жараёнида *ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари* деб аталган давлат органлари ва бошқа нодавлат органлари ташкил топади. Ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- судлар (Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий судга бўйсунувчи умумий юрисдикциядаги судлар, хўжалик судлари)

- судларнинг фаолиятини ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашни амалга оширадиган органлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни лавозимга тавсия қилиш ва танлаш Олий малака комиссияси; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти);

- прокуратура;

Жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишга жалб қилинган органлар (суриштирув ва дастлабки тергов органлари);

- нотариал фаолиятни амалга оширувчи органлар (нотариат ва бошқалар);

- адвокатура.

Суд фаолиятини ташкилий ва моддий-техник таъминлаш – ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Бу тушунча остида суд фаолиятини кадрлар, ташкилий ва моддий таъминлаш шарт-шароитларини яратиш фаолиятини тушуниш мумкин. “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 11-модасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг айнан шу соҳаси ҳақида сўз боради.

Ушбу фаолият юқорида кўрсатиб ўтилган қонундан ташқари, суд ҳайъатларининг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низом, ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 27.08.2003. қарори, “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низом 07.08.2003., ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 22.09.2001 йили қабул қилинган №383 сонли “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятининг такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарор, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, суд фаолиятини ташкилий ва моддий-техник таъминлаш департаменти Низоми билан тартибга солинади.

Суд ҳокимияти унинг учун хизмат қилувчи қатор ёрдамчи функцияларни бажарувчи ёрдамчи кучларга боғлиқ бўлган мураккаб ҳуқуқий институтдир. Бу тизимнинг ўз фаолиятини амалга оширмаслиги суд тизимининг ҳар қандай ваколатларини амалга оширишни қийинлаштиради, уларни кераксиз қилиб қўяди. Суд фаолият юритишини

таъминловчи ва унинг қарорларининг ижро этилишини таъминловчи уч асосий функциялар мавжуд:

1) Кадрлар танлаш функцияси:

- суд тизими учун кадрларни танлаш ва уларни тайёрлаш, малакасини ошириш, судьялар мустақиллиги ва уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш;
- судлар моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур шарт шaroитлар яратиш ишларини ташкил қилиш;
- Процессуал характерга эга бўлган фаолият билан шуғулланувчи органлар ва шахслар билан ташкилий алоқаларни ўрнатиш:

2) Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар (гувоҳлар, эксперт, мутахассис давлат бошқарув органларининг вакиллари ва бошқалар)ни жалб қилиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

- суд мажлисларида тартибни сақлаш;
- суд ишларини ўз вақтида ҳал қилинишини таъминлаш.

3) Ишларни кўриш натижасида қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкилий жиҳатдан таъминлаш функцияси.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги низоми билан белгиланган тартибда тасдиқланадиган махсус ваколатли орган:

- судларни моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур шaroитлар яратиш ишларини ташкил қилади;
- суд қарорларини ижро этиш ишларини ташкил қилади.

Бундай орган сифатида суд қарорларининг ижросини таъминлаш ва суд фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш департаменти фаолият юритади.

Ушбу функцияни амалга ошириш аввало адлия органларининг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ, олтинчи сессиясида суд ҳокимиятини ижро ҳокимиятидан ажратиш борасида ҳал қилувчи қадам қўйилди. Гап “Суд қарорлари ва бошқа орган қарорларининг ижро этилиши тўғрисида”ги қонун ҳақида бормокда. Ушбу қонунга мувофиқ, Суд ва бошқа давлат органлари қарорларини мажбурий ижро этириш функцияси суддан олиниб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш ва суд фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш департаментининг жойлардаги ижрочилари зиммасига юклатилди.

Лекин, юқорида эслатиб ўтилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг алоҳида соҳасидаги фаолиятларни амалга ошириш учун белгиланган ваколатларнинг ўзгартирилиши эҳтимолдан ҳоли. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, суд ҳокимияти

унинг фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминловчи, кадрлар танлаш ва уларнинг малакасини оширишга хизмат қилувчи ижро ҳокимиятига эҳтиёж сезган ва бундан кейин ҳам уларга боғлиқ. Халқаро ва ўз миллий тажрибамизга кўра бундай органлар сифатида адлия органлари фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир.

Суд фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларга оид ваколатларни ҳаётга татбиқ қилиш шу орган томонидан амалга ошириладиган омил ва услубларга боғлиқ. Ҳозирги кунда бундай омил ва услублар ичида адлия органлари томонидан чиқариладиган қонунларга зид бўлмаган норматив актлар муҳим ўрин тутди.

Бундай норматив актлар жумласига, суд муайян фаолиятининг тартибга солувчи инструкциялар, тушунтириш ва буйруқлар киради. Масалан, судда иш юритиш тўғрисида, ҳисобот статистикаси юритиш тўғрисида, қонун ва бошқа ҳуқуқий нормаларни рўйхатга олиш ва уларни тизимлаштириш тўғрисида, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида, халқ маслаҳатчилари билан ишлаш тўғрисидаги инструкциялар. Бундай норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан чиқарилади.

Суд тизимини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, судьяларнинг мустақиллигини янада такомиллаштириш, суд қарорларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши борасидаги ислохотларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 22.09.2001 йили “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №383 қарорни қабул қилди.

2001 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 383-сонли қарори билан ташкил этилган Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти ўз фаолияти давомида лозим даражада иш ташкил этилмаганлиги оқибатида Суд департаменти фаолиятида жиддий хато ва камчиликлар мавжуд бўлиб, улар суд қарорларини мажбурий ижро этиш тизими самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, масъул мансабдор шахслар томонидан мажбурий ундирувлар бўйича юклатилган мажбуриятлар мунтазам равишда бузиб келинаётганлиги оқибатида, суд ижрочилари иш юритувига келиб тушган ижро ҳужжатларидаги ижроси таъминланмаган ҳужжатлар қолдлиги йилдан йилга кўпайиб бориши ва 2005 йил якунларига кўра 26 фоизни ташкил этиши; кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг малакасини ошириш масалаларига етарлича эътибор берилмаганлиги; суд департаментида қонунийликни ҳамда ходимлар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш бўйича ишлар сусайтириб юборилганлиги; текшириш мобайнида етарли иш тажрибасига, маълумотга эга бўлмаган ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги аввалги хизмати давомида ўз шаънига

иснод келтирган шахсларни масъул лавозимларга тайинлашниши; ташкилий ва кадрлар билан ишлаш масалалари бўшаштириб юборилганлиги; суд департаменти раҳбарлари ва ходимлари томонидан қарздорларнинг мол-мулкани сотишда суиистеъмолликлар, ижро ишини юритишда сансалорлик ва муддат бузилишлар, кўчмас мулк объектлари ва автотранспорт воситалари нархини қасддан камайтиришлиши; ижро ҳужжатларини рўйхатга олмасдан яшириш ҳолатлари аниқланганлиги; тизимда усулубий-таҳлилий ишлар лозим даражада ташкил этилмаганлиги, судьялар, суд процесслари ва уларнинг иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш даражаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, бу соҳада зарур ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 458-сонли 2006 йил 31 августдаги қарори билан такомиллаштирилди.

Хуллас, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва суд ҳимоясининг самарадорлигини оширишга қаратилган мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг асосий вазифалари бўлиб, суд қарорларини ижро этишнинг самарали тизимини яратиш, судларни ҳар томонлама моддий-техника жиҳатидан таъминлаш ва молиялаштириш ҳисобланганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш Адлия вазирлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятининг кенгайишига олиб келади. Бу эса давлатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг пировард мақсадидир.

2 боб Адлия вазирлигининг ташкилий тузлмаси, таркиби ва ваколатлари.

2.1. Адлия вазирлигининг ташкилий тузулмаси.

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар адлия органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш Адлия вазирлигининг асосий ва энг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарорига 2-ИЛОВА билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўз мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Вазирлик тизимиغا Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти, бошқа адлия органлари ва муассасалари киради.

Адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита Вазирликка бўйсунди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низом билан тартибга солинади.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомга амал қилади⁹.

Адлия органлари ва муассасаларини моддий-техник таъминлаш, шунингдек адлия тизимининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирликка ажратиладиган маблағ доирасида давлат бюджети ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

⁹ Адлия вазирлигининг ташкилий тузилмасига оид схемалар диссертация якунида илова қилинмоқда.

Вазирлик, унинг органлари ва муассасалари юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга эгадир.

Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири бошчилик қилади.

Вазир ўз ўринбосарларига, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади.

Вазир:

1) яккабошчилик асосида Вазирлик фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

2) ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Вазирлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, Вазирлик фаолиятининг алоҳида қисмлари ҳамда унга бўйсунувчи органлар ва муассасаларнинг иши учун ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди;

3) Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолайди;

4) Вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек, Вазирлик тизимида кирувчи бошқа ўзига қарашли органлар ва муассасаларнинг низом (устав)ларини тасдиқлайди;

5) ходимлар белгиланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, штат жадвалини тасдиқлайди;

6) Вазирлик марказий аппаратининг, шунингдек адлия органлари ва муассасаларининг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

7) республика нотариат ва ФХДЁ муассасалари тизимини тасдиқлайди;

8) тегишли давлат органларига адлия органлари ва муассасаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ходимлари сонини белгилаш тўғрисида таклифлар киритади;

9) Вазирлик марказий аппарати, адлия органлари ва муассасалари ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

10) Вазирлик марказий аппарати ходимларини, унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини, шунингдек Вазирлик тизимида кирувчи бошқа ўзига қарашли органлар ва муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

11) адлия органлари ва муассасалари ходимларига белгиланган тартибда мартаба даражалари беради, адлия органлари ва муассасалари ходимларига олий мартаба даражалари бериш учун уларни Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этади;

12) адлия органлари ва муассасаларининг ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этади, Вазирлик тизимининг алоҳида ўрнатган кўрсатган ходимларини фахрий унвонлар беришга ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этади;

13) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Адлия органлари ва муассасаларининг, шу жумладан Вазирлик тизимидаги илмий муассасалар ва ўқув юртлари ходимларига эгаллаб турган лавозимига ва иш стажига мувофиқ махсус даражали унвонлар ҳамда мартаба даражалари берилади ва белгиланган хизмат муддати учун устама ҳақи тўлаб борилади.

Мартаба даражалари бериш ва ундан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низом билан тартибга солинади.

Вазирликда Вазир (раис), вазир ўринбосарлари (лавозими бўйича) ва Вазирликнинг бошқа раҳбар ходимларидан иборат 11 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Адлия вазирининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлик ҳайъати Вазирлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, ўзига қарашли органлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва тарбиялаш, ижро назорати масалаларини, Вазирликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатларининг лойиҳаларини, шунингдек текшириш натижаларини муҳокама қилади.

Вазирликнинг ваколатига тааллуқли масалалар бўйича ҳайъатнинг мажлисларига вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари таклиф қилинишлари мумкин.

Ҳайъатнинг қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан ҳаётга жорий этилади. Вазир билан ҳайъат ўртасида келишмовчилик юзага келган тақдирда, Вазир ўз қарорини амалга оширади. Вазир юзага келган келишмовчилик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.12.2005 йидаги 237-сонли қарори билан шакллантирилаётган ҳуқуқий, қонунчилик базасининг ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларига

мувофиқлигини таъминлаш устидан мониторинг қилиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази ташкил этилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази:

юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига ҳисобот берадиган мустақил ахборот-таҳлил муассасаси ҳисобланади;

адлия вазирининг ўринбосари - директор раҳбарлиги остида фаолият кўрсатади;

республика бюджети ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига белгиланган чекланган ходимлар сони ва меҳнат ҳақи фонди доирасида Марказнинг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилган.

Марказга директор, адлия вазирининг ўринбосари раҳбарлик қилади.

Марказ директори:

- республиканинг барча ва жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, тижорат ва нотижорат ташкилотларида Марказ манфаатларини ифодалайди;
- Марказ олдида қўйилган вазифаларни бажариш учун шахсан жавобгар бўлади;
- ходимларнинг ваколатларини белгилаб беради, улар ўртасида мажбуриятларни ва жавобгарлик даражасини тақсимлайди;
- Марказ ходимлари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва кўрсатмалар беради;
- Марказнинг штат жадвалини тасдиқлайди, ходимларга белгиланган тартибда моддий рағбатлантириш миқдор ва шаклини, мукофотлаш ва ёрдам беришни белгилайди;
- Марказ номидан келишув ва шартномалар тузади, ишга қабул қилади, Марказ ходимларининг лавозимини оширади ва лавозимидан озод этади.
- Қонунчиликка биноан Марказ фаолиятига оид бошқа масалаларни ҳал қилади.

Директор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирини томонидан лавозимига тайинланадиган ва озод этиладиган битта ўринбосарга эга бўлади.

Директор ўринбосари унга берилган фаолият йўналиши учун жавоб беради, шунингдек директор йўқлигида унга юклатилган вазифаларни амалга оширади.

Марказ қуйидаги беш бўлимдан иборат:

1. Жамият ва давлат бошқарув соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш устидан мониторинг бўлими;
2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, прокуратура ва суд ишларини юритишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш устидан мониторинг бўлими;

3. Иқтисодий ривожланиш соҳасида норматив-ҳужжатларни амалга ошириш устидан мониторинг бўлими;
4. Ижтимоий ва гуманитар ривожланиш соҳасида норматив-ҳужжатларни амалга ошириш устидан мониторинг бўлими;
5. Умумий бўлим.

Хуллас Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ташкилий тузилмаси юқорида кўрсатилган норматив-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган бўлиб, улар вазирликни ташкил этишдаги асосий манба бўлиб хизмат қилади.

2.3. Адлия вазирлигининг вазифалари ва функциялари.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги адлия соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи марказий давлат ижро органи ҳисобланади. Унинг мақоми 2003 йил 27 августда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом ва бошқа норматив ҳуқуқий актлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда "вазирлик") давлат бошқарув органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўз лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибига киради.

Вазирлик таркибига: Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, вазирлик ҳузуридаги суд қарорларининг ижросини ташкил этиш, суд фаолиятини моддий техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти, бошқа адлия орган ва муассасалари киради.

Жойларда адлия органлари ва муассасалари давлат ҳокимият органларидан мустақил ва фақат вазирликка бўйсунди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги департамент фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом билан тартибга солинади.

Вазирлик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг меъёрий актлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор, фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари ва ўз низомига мувофиқ амалга оширади.

Вазирлик, унинг орган ва муассасалари Давлат герби туширилган муҳр ва ўз номига эга бўлган юридик шахс ҳисобланади.

Вазирликнинг асосий вазифалари *қуйидагилар ҳисобланади:*

- а) ҳуқуқ тизимини қўллаш ва қонун ижодкорлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш;
- б) кишиларнинг Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш;
- в) жамиятда ҳуқуқий маданият ва қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолият олиб боровчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- г) судлар фаолиятини моддий техник жиҳатдан таъминлаш ишларини ривожлантириш, судларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, судлар ва бошқа давлат органлари қарорларининг ижро этилиш механизмини такомиллаштириш;
- д) нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари, фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий

- хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолияти устидан давлат бошқарувини ўрнатиш;
- е) тадбиркорликнинг ривожланиши, чет эл инвесторлари, чет эл инвестициясига асосланган корхоналар, хусусий мулк эгалари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг таъминланишига кўмаклашиш;
- ж) хўжалик субъектларига хўжалик шартномаларини тузиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш борасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;
- з) юридик шахслар, шу билан бирга нодавлат, нотижорат ташкилотларни рўйхатга олишнинг қонунийлигини таъминлаш;
- и) халқаро ҳуқуқий муносабатлар соҳасида тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш;
- к) кадрларни замонавий талаб ва стандартлар асосида тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- л) адлия органлари ва муассасалари тизими устидан раҳбарликни амалга оширади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида вазирлик қуйидаги соҳаларда фаолият юритади:

- 1) ҳуқуқ тизимини қўллаш амалиёти ва қонун ижодкорлиги борасида ягона давлат сиёсатини юритиш соҳасида;
- 2) фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида;
- 3) давлат органларининг ҳуқуқ-тарғибот соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш;
- 4) суд ва бошқа давлат органлари қарорларини ижро этиш, суд фаолиятини моддий техник жиҳатдан таъминлаш соҳасида;
- 5) ҳуқуқий хизмат борасида давлат бошқарувини ўрнатиш соҳасида;
- 6) чет эл инвесторлари, чет эл инвестициясига асосланган корхоналар, хусусий мулк эгалари ва тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида;
- 7) шартномавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида;
- 8) юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида;
- 9) халқаро ҳуқуқий муносабатлар борасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида;
- 10) ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида;
- 11) корхона, ташкилот, муассаса ва фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш соҳасида;
- 12) ҳуқуқий статистика соҳасида;
- 13) адлия органлари ва муассасаларини моддий техник ва молиявий таъминлаш соҳасида;
- 14) суд экспертиза, илмий муассасаларини ривожлан-тириш соҳасида;

Вазирлик ҳуқуқни қўллаш ва қонун ижодкорлиги соҳасида давлат сиёсатини юритиб, *қуйидаги функцияларни амалга оширади:*

-давлат бошқарув органлари қонун ижодкорлик соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради ва услубий раҳбарликни амалга оширади; қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди

Ушбу функцияни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси президентининг 2005 йил 15 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий актларни реализация қилишни мониторинг қилиш Марказини ташкил этиш ҳақидаги» қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги қошида Марказ ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

мамлакатнинг қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий базасини ривожланиши ва ислоҳ этилиши, уларнинг жамиятни демократлаштириш ва янгилаш бўйича устувор мақсад ва вазифаларига, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилинишига мувофиқлигини системали таҳлил этиш;

Вазирликлар ва идоралар томонидан ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги фаолиятида демократик янгиланишларни амалга оширишда зарур бўлган норматив-ҳуқуқий актларни тайёрлаш дастурларини бажарилишини мониторинг қилиш, уларнинг ўтказаетган ислохотларини мақсад ва вазифаларига, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси талабларига, халқоро норма ва стандартларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мос келишини баҳолаш;

Қонунни қўллаш амалиётини системали таҳлил этишни амалга ошириш, янгиланаётган ва янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни мўҳофаза қилиш органлари, жумладан, прокуратура ва суд иши юритиш органларида шунингдек, Адлия вазирлиги бўлинмаларида шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятларида амалда қай даражада қўлланилиши устидан доимий назорат ўрнатиш;

ислохотларни ҳуқуқий ва қонунчилик базаларини янгилаш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини мукамаллаштириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мақсад ва вазифаларини, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилинишини ҳисобга олиб, ҳуқуқий тартиботни яхлитлиги, тизimini, қонунчилик нормаларини бир хил қўлланилишини таъминлаш белгилаб берилган.

Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида инсон ҳуқуқлари борасидаги қонунчиликни

таҳлил қилади ва уларни такомиллаштириш учун таклифлар ишлаб чиқади; бу соҳадаги халқаро амалиётни ўрганиб, халқаро ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига жорий қилиш учун тавсиялар тайёрлайди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади, шу билан бирга жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш Ғояларини тарғиб қилади; инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликка амал қилиш даражасини умумлаштиради ва таҳлил қилади ҳамда тегишли давлат органларига таклифлар тақдим этади; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида адвокатура тизимининг ўрнини мустаҳкамлайди, фуқаролик жамиятлари институтлари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ишларига кўмаклашади; инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш мониторинги соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон Ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази билан ҳамкорлик қилади; фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларини ҳар томонлама кўриб чиқади ва қонунларга мувофиқ уларнинг таъминланиши юзасидан чоралар кўради.

Давлат органларининг ҳуқуқ-тарғибот соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш соҳасида, ҳуқуқий таълимот ва ҳуқуқий-тарғибот ишларини ўрганади, уларни яхшилаш учун таклифлар ишлаб чиқади; аҳоли орасида ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданият ва қонунийлик борасида тарғибот ишларини юритади; ҳуқуқий соҳани методик таъминлайди ва ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг замонавий шакллари жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади; Олий ва ўрта-махсус таълим масканлари талабалари ва ўқувчилари учун ҳуқуқий дарсликлар, ҳуқуқий нормалар мажмуаси ва бошқа муҳим адабиётлар нашр этиш ишларини ташкиллаштиради; адлия орган ва муассасаларини зарурий ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси Миллий маълумотлар базасини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ташкил этади ва унга жисмоний ва юридик шахсларнинг киритилишини таъминлайди, халқаро маълумотлар алмашинувини таъминлайди ва бошқа функцияларни амалга оширади.

Адлия вазирлиги суд ва бошқа давлат органлари қарорларини ижро этиш, суд фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш соҳасида судларни молиялаш соҳасида таклифлар ишлаб чиқади; судларнинг фаолият кўрсатиши учун шароит яратиш мақсадида суд биноларини таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлайди; суд мажлислари ва судьяларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этади; суднинг мустақиллигини мустаҳкамлаш масалалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик

қилади; суд ва бошқа давлат органлари қарорларининг ижро этиш механизмини шакллантиради.

Вазирлик юридик хизмат соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш мақсадида давлат нотариал идораларини ташкил этади ва тугатади, нотариус лавозимини таъсис этади; нотариус фаолиятини лицензиялайди; давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар устидан давлат реестрини юритади; нотариусда иш ўрганиш тартибини белгилайди; нотариал фаолият билан шуғулланиш учун лицензия бериш тартибини ишлаб чиқади, малака ва аттестация комиссиялари низомларини тасдиқлайди, ҳужжатлардаги имзоси ва муҳрининг ҳақиқийлигини тасдиқлайди, белгиланган тартибда нотариуслар томонидан ўз хизмат вазифаларига ва нотариал иш юритиш қоидаларига риоя қилиш устидан назорат ўрнатади, уларнинг ишларини умумлаштиради ва бошқалар.

Вазирлик адвокатура ва юридик хизматни ривожлантириш соҳасида республика адвокатлар бирлашмаси билан ҳамкорликда малака комиссиялари фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди, республика адвокатлар бирлашмаси билан биргаликда адвокатлар Олий малака комиссияси таркибини тасдиқлайди; адвокатларга лицензия бериш ва адвокатлар идоралари, ҳайъат ва фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини амалга оширади; адвокатлар, адвокатлик идоралари, ҳайъат ва фирмалари реестрини юритади; адвокатлар идоралари, ҳайъатлари фаолиятига услубий ёрдам кўрсатади; адвокатлар малакасини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади; адвокатлар фаолияти билан боғлиқ тўсиқлардан ва таъқиқлардан ҳимоя қилади; адвокатлар фаолиятини тартибга солувчи қонун нормалари, адвокатлик этикаси қоидаси ва адвокатларни касбий тайёргарлиги устидан назорат қилади; ҳуқуқий ишлар амалиётини жорий қилинишини текширади ва анализ қилади; юзага келган камчиликларни бартараф этиш ва ижобий амалиётни давлат бошқармалари ва хўжалик корхоналарининг юридик хизматларига тарқалишини таъминлайди, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг юристконсултларини аттестациядан ўтказди.

Халқаро ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон республикаси манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида халқаро шартнома лойиҳаларини юридик экспертизациясини ўтказди, ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқаролари ҳуқуқлари вақонуний манфаатларини ҳимоясини таъминлайди, тарафлардан бири Ўзбекистон Республикаси ҳисобланган чет давлат судларида низоларни кўриб чиқишида вакиллик қилади.

Ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш соҳасида вазирлик давлатлар ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаб, Тошкент Давлат юридик

институти, Тошкент юридик коллежи, ТДЮИ қошидаги академик лицей ва бошқа вазирлик тизимидаги таълим муассасалари ишини ташкил этади ва раҳбарлик қилади; ҳозирги замон талаб ва стандартларига мувофиқ равишда ҳуқуқшуносларни қайта тайёрлайди ва малакасини оширади; ҳуқуқшунослар кадрлар сиёсатини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади; кадрлар заҳирасини ташкил қилиш ва бошқалар.

Фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича; вазирлик орган ва муассаса ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари бўйича тушган фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш, шу масала бўйича ариза ва шикоятларнинг объектив кўрилишини таъминлаш, шикоятлар бўйича объектив қарор чиқарилишини таъминлаш, керакли вақтларда жойларга чиқиб тегишли масъул шахслар билан текширишлар ўтказди.

Суд-экспертиза, илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантириш соҳасида:

- ҳуқуқий билимларни ривожлантириш бўйича чоралар кўради;
- криминалистика ва суд экспертиза соҳасида илмий тадқиқот ишларини ташкил этади; Ўзбекистон Республикаси суд экспертиза муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва илмий методик раҳбарлик қилади;
- Х. Сулаймонова номидаги Республика маркази, юристлар малакасини ошириш маркази, ТДЮИ, ТЮК, ҳуқуқий тарғибот маркази ва бошқа муассасалар фаолиятига раҳбарлик қилади.

Унга юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда *қуйидаги ваколатларга эга*:

- Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида тегишли аналитик, статистик ва бошқа ҳужжатларни олиш учун тегишли давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилот ва мансабдор шахсларга сўровномалар юбориш;
- қонунчиликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар бериш;
- норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва эълон қилиш бўйича тегишли давлат корхоналари, муассаса, ташкилот ва кўмиталарда текширишлар ўтказди;
- белгиланган тартибда вазирликлар, давлат кўмиталарининг қарорларини давлат реестридан чиқаради ва қисман ёхуд бутунлай тўхтатади;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, вазирлик-лар, давлат кўмиталари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, муассаса, ташкилот ва мансабдор шахслар томонидан бир хилда қўлланилиш ҳолатини ўрганади, таҳлил этади;
- таҳлил этиш натижалари бўйича тегишли давлат органларига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини тўғри қўлланишини таъминлаш тўғрисида кўрсатмалар беради;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахслари томонидан вазирлик ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан чиқарилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари-нинг ижро этилмаётганлиги туфайли уларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилади. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига давлат бошқарув ва ҳокимият органлари томонидан амал қилинишини текширади;

— кўрсатиб ўтилган органлар мансабдор шахсларига ижро этилиши мажбурий бўлган, қонунларга риоя қилмаслик сабаблари ва оқибатларини бартараф этиш тўғрисида топшириқ беради; шу билан бирга бузилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш чораларини ишлаб чиқиш вазифасини топширади; чет эл судларида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқлар ва қонуний манфаатлари юзасидан даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этади;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ва экспрезиденти вакили сифатида судларда иштирок этади;

— тегишли давлат органларига судьялар ва суд аппарати ходимларининг моддий-ижтимоий ва меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича таклифлар киритади;

— адвокатлик идоралари ва нотариусларга берилган лицензияларнинг ҳаракатини тўхтатади ёки тугатади; адвокатлар малака комиссияларига адвокатларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини киритади;

— адвокатлар идоралари, ҳайъат ва фирмаларга қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан топшириқнома юборади; вазирликлар, қўмиталар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ва уларнинг юридик хизматлари фаолиятининг ҳуқуқийлигини текширади;

— уларнинг раҳбарларига ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисида топшириқномалар беради;

— юқори турувчи орган ёки судга қонунчиликни бузган ҳолда корхона ёки ташкилотга зарар етказган мансабдор шахсларга нисбатан чоралар кўриш лозимлиги ҳақида мурожаат қилади.

Вазирлик чет эл инвесторлари, чет эл инвестициясига асосланган корхоналар ва бошқа тадбиркорлик субъектларини жавобгарликка тортиш асосларини фуқаролик, жиноий ва маъмурий ҳужжатлар билан танишган ҳолда текширишга ҳақли; чет эл инвесторлари, чет эл инвестициясига асосланган корхоналар ва бошқа тадбиркорлик

субъектлари ҳамда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар содир этган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини тегишли органларга тақдим этишга ҳақлидир.

— Чет эл инвесторлари, чет эл инвестициясига асосланган корхоналар ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузувчи фуқаролик, жиноий, маъмурий ва ҳўжалик ишларини судда кўриб чиқиш учун давлат божини тўламаган ҳолда, таклиф киритади;

— манфаатдор шахсларга тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилинишини сўраб ёзма огоҳлантириш юборади;

— ўз ваколатлари доирасида чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатади;

— давлат, юридик ва жисмоний шахслар манфаатини кўзлаб судга, давлат божларини тўламаган ҳолда даъво аризалари ва аризалар билан мурожаат қилади; адлия орган ва муассасаларининг фаолиятини таъминлаш мақсадида тегишли бўлинмаларни тузиш, тугатиш ва уларнинг низомини белгилаш ва ҳ.к.

Вазирлик ўз ваколати доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, нотариуслар, адвокатлар, корхона, ташкилот ва муассаса, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаради. Бундан ташқари вазирлик, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар ва давлат қўмиталари билан биргаликда қарор ва бошқа норматив актлар чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ вазирлик зиммасига қонун ижодкорлиги соҳасида давлат сиёсатини юритиш ва ўзига юклатилган бошқа вазифаларни самарали амалга ошириш мажбурияти юклатилган.

Ишларни ташкил этиш ва якуний қарор чиқаришда вазирлик ҳайъати муҳим роль ўйнайди. Ҳайъат вазир, унинг ўринбосарлари ва вазирликнинг бошқа ходимларидан иборат таркибда фаолият юритади. Ҳайъат таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Вазирлик Ҳайъати ўзининг доимий ўтказиладиган мажлисларида вазирлик, адлия орган ва муассасалари фаолияти билан боғлиқ асосий масалаларини кўради. Ҳайъат қарорлари коида тариқасида вазир бўйруқи билан кучга киради.

Вазир Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларини ижро этиш мақсадида буйруқ, инструкция, тушунтириш ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш ҳуқуқига эга. Бундай қарорлар орқали давлат нотариати, ФХДЁ органлари, суд экспертизаси ва статистикаси

ташкilotларининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳал этилиш лозим. Улар суд ходимлари, адлия орган ва муассасалари, бошқа давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг бир қатор функциялари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади. Уларнинг ваколатлари, албатта, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ваколатларидан сезиларли даражада кам. *Масалан*, улар ҳарбий суд фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминламайди, ижро ҳокимиятининг марказий органларининг норматив актларининг рўйхатини юритмайди, улардан қонун ижодкорлиги соҳасида кенг иштирок этиш талаб қилинмайди. *Уларнинг асосий вазифаси* — лозим даражада юридик хизмат кўрсатиш шароитларини яратиш, нотариат ва ФХДЁ органларига раҳбарлик қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари тизими уларга юклатилган вазифаларнинг даражасига қараб ташкил этади.